КУТУБХОНАСИ
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

2005 YIL 13 DEKABR, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 151 (6.988). Sotuvda erkin narxda

## Оқсаройда қабул

***2005 йил 10 декабр куни Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Германия Федерал Мудофаа вазирлигининг Парламент давлат котиби Фридберт Пфлюгерни қабул қилди.***

Қайд этиб ўтиш керакки, Германия Федерал Мудофаа вазирлигининг Парламент давлат котиби лавозими ўз даражасига кўра мудофаа вазирининг биринчи ўринбосарига тенгдир.

Меҳмоннинг Тошкентга ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси сиёсий доиралари вакиллари ўртасида мулоқотлар бўлиб ўтди. Натижада томонлар 1995 йил 11 апрелда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатлар асослари тўғрисидаги қўшма баёнот» доирасидаги икки томонлама ҳамкорликни давом эттиришга қарор қилдилар. Шунингдек, икки мамлакат манфаатларига дахлдор масалалар бўйича маслаҳат ва музокараларни, мулоқотларни - ҳам икки томонлама, ҳам халқаро даражада олиб бориш лозимлигини қайд этдилар.

Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳалардаги, шунингдек, жамиятни демократлаштириш, кадрлар тайёрлаш ҳамда туризмни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик самарали ривожланаётганлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Музокаралар асносида ГФР ҳарбий контингентининг Термиз шаҳри инфратузилмасидан фойдаланиши бўйича ҳамкорлик давом этиши келишиб олинди.

Ўзбекистон билан Германия халқаро терроризмга қарши курашда, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда БМТ Хавфсизлик кенгашининг тегишли резолюциялари доирасида ҳамкорлик қиладилар. Германиялик юксак мартабали меҳмон Термиз аэропортидан немис ҳарбийлари фойдаланишига имконият берганлиги учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик билдирди.

Германия томони Бундесвер контингентининг Термиз шаҳрида бўлиши узоқ муддатлилигини инобатга олиб, 2006 йилнинг январь ойидан шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳасида фаол иштирок этишга тайёр эканлигини маълум қилди. Ўз навбатида Ўзбекистон бунинг учун зарур барча шароитларни яратиб беради.

Мулоқот якунида томонлар ҳар иккала давлат учун ҳам бирдек манфаатли бўлган соҳаларда ҳамкорликни бундан кейин ҳам давом эттиришга келишиб олдилар.

**(ЎзА)**

## Ўзбекистон – умумий уйимиз

А. Навоий номидаги академик катта театрида «Ўзбекистон умумий уйимиз» номли дўстлик ва маданият фестивали бўлиб ўтди.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

**Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.**



МУНОСАБАТ

## Қудратли тарбия

***Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 13 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанадаги нутқини телевидение орқали ҳаяжонланиб эшитдим.***

Юртбошимизнинг чуқур мазмунли ушбу маърузасини газетада ҳам қайта-қайта синчиклаб ўқидим. У киши келаётган йилимизни "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан миллат ва келажак авлод саломатлигига яна бир бора эътибор қаратдилар. Юртбошимиз ўз маърузасида аёллар саломатлиги, жумладан, бўлажак оналар соғлиги ҳақида ҳам сўз юритиб, ёшларимиз, айниқса, қизларимизнинг ҳам спорт билан шуғулланишига кенг шарт-шароит яратиб беришимиз лозимлиги, бу эса келажак авлод баркамоллиги учун қайғуриш эканлигини таъкидлади. Фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиши оналар саломатлиги билан чамбарчас боғлиқ эканлиги хусусидаги мулоҳазалари диққатимни янада тортди. Ҳар биримиз ҳақда ўйлаётган Юртбошимизнинг жонкуярлиги ҳаяжонимни оширди. Тўғриси, бу гаплардан тўлқинланиб кетдим.

Албатта, туман ва қишлоқларимизда спортни жону дилидан севувчи қизларимиз кўп. Давлатимиз раҳбарининг сўзлари нақадар ҳаётий эканлигини ўз фаолиятим мисолида ҳам айтиб ўтсам.

Бу йил Навоий тоғ-кон коллежининг биринчи босқичи талабалигига қабул қилиндим. Шу йилнинг ўзи менинг спорт соҳасидаги ишларимда катта ютуқларни олиб келди. Ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш медал соҳиби бўлдим.

Кейинги беш йилдан бери спорт билан шуғулланиб келаман. Авваллари дардманд эдим. Тинимсиз машқлар мени тетик, бардам, соғлом қилди. Мана куни-кеча кунчиқар мамлакат пойтахти Токиода ўтказилган халқаро мусобақаларда қатнашиб, Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилдим. Финалда Япония давлатининг спортчи қизи билан 49 килограммлик оғирлигимиз бўйича курашишга тўғри келди.

Армрестлинг ёки қўл билан курашиш спорт турида масъулиятли сонияларни бошимдан кечирдим. Ўн олти ёшимда спорт усталигига номзодликдан жаҳон чемпионлигига эришдим.

Юртимизда спортга катта эътибор берилмоқда, бу эса бизни янада руҳлантиради. Ниятим, спорт соҳасидаги ютуқларимни кўпайтиришдир. Эндиликда ўзим билан опам ва синглим ҳам спорт машғулотларида қатнашаётганлигидан ғоят қувонаман.

**Сарвиноз ТОНГОТАРОВА,**
**Токиода ўтказилган армрестлинг қўл кураши бўйича жаҳон чемпиони.**

## Эзгуликка эл бўлсак...

***Жарроҳлик столида ўлим билан олишаётган инсоннинг тақдири қўлингда эканлигини ҳис этиш нақадар масъулиятли. Айни пайтда эшик ортида илинж, умид билан турган беморнинг яқинлари олдига ёруғ юз билан чиқиш истаги юракда пўртана бўлади. Баъзан операция хонасида шундай кайфиятда саккиз-ўн соатлаб қолиб кетишга тўғри келади. Лекин бу кезда шифокорнинг бутун ўй-фикри бемор ҳаётини сақлаб қолишдан бир лаҳза ҳам чекинмайди.***

Шифокорлик мана шундай фидойиликка, эзгуликка эл бўлиш демакдир. Эзгуликнинг душмани эса таъмагирликдир.

8 декабр – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни муносабати билан "Туркистон" саройида бўлиб ўтган тантанани телевизор орқали томоша қилиб, унда Президентимиз сўзлаган нутқларини тинглай туриб, беихтиёр шуларни кўнглимдан ўтказдим. Айниқса, Президент тиббиёт ходимларининг жамиятдаги ўрнига алоҳида урғу бериб, жондан азиз боласига шифо тилаб, нажот сўраётган онанинг дардига малҳам бўлувчи, ўз бурчини самимий бажарувчи шифокорни "...шу тариқа дунёда ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган олижаноблик ва инсонийлик фазилатларини намоён этади" - дея таъриф беришларидан тўлқинландим.

Умуман олганда, ушбу нутқда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини янада бойитиш, тиббиёт ходимлари меҳнатини янада рағбатлантириш ва шу орқали аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш лозимлигига кенг тўхталиб ўтилгани бежиз эмас. Чунки жамиятимизда соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади, деган тамойил устуворлик касб этмоқда. Зеро, ҳадемай ниҳояланажак 2005 йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши ва бу йилда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида олиб борилган чора-тадбирлар негизида ҳам ана шу эзгу мақсад ётади.

Мен келгуси "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да ҳам бу тамойил наинки тиббиёт, балки барча жабҳадаги ислоҳотларда ўз инъикосини топишига ишонаман. Муҳими, соғлом турмуш, соғлом келажакни барпо этиш йўлидаги бу саъй-ҳаракатларда меҳр-мурувват, инсонпарварлик мужассам экан, бунда ҳар биримиз иштирок этишимиз даркор.

**Иломон МУХАММЕДОВ,**
**шифокор.**

## Ватандан ташқарида Ватан йўқ

### Ким учун? Нима учун?

–Бошқа юролмайман. Отиб ташла!

У чўккалаб ўтириб олди. Сўнг ғужанак бўлиб ёнбошига ағанади. Тоғнинг ўткир ва чақир тошлари қўнжини айириб юборган ботинкаси йиртиғидан билч-билч қон оқарди.

Чўққима-чўққи чирмашавериб ҳолдан тойган қўшиннинг бемажол аскари чалқанча ётиб йиғлар, ҳолсиз қўлларини кўкка чўзиб, бу мусибатли кунлардан қутулиш учун омонатини Аллоҳга топширишга рози бўлиб уввос тортарди. Солдатнинг озғин ва рангпар юзи пир-пир учар, унинг айни тобда ожиз вужуди дунёнинг ноҳақликларига қарши исён қиларди.

–Ё худо! Биз нега бу ерларда юрибмиз? Нега бошимизга ит кунини солишмоқда? Қайси Ватан учун хору зор, сарсон бўлиб санғияпмиз? Бировнинг юртига тумшуқ тиққанимизнинг жазоси шуми? Ҳаммамиз хору зор бўлиб ўлиб кетяпмизми?

Аскар зор қақшаб тўлғонди. Ҳушидан айрилди. Лаҳзада жимиб қолди. Уни тиббиётчилар замбилга солиб пастга, оғир техникалар жойлашган нуқтага олиб кетишди. Бу воқеа 1988 йилнинг 27 феврал куни Афғонистоннинг Пағмон тоғида юз берди. Ўзим гувоҳ бўлган ушбу ҳодиса хотирамда муҳрланиб, ёзги момақалдироқдай гумбурлаб, ўй-фикрларимни тир-тўзғитиб юборди. Ўшандан бошлаб менинг қалбимга: "Бизлар нима учун бу ерларда тентираб юрибмиз, бунда жанг қилишимиздан мақсад ва муддао нима, ахир душман бизнинг Ватанимизга бостириб киргани йўқ-ку, биз уларнинг юртини топтаяпмиз. Наҳотки биз босқинчи бўлсак? " деган саволлар ханжари ботар, жавоб тополмай ич-ичим куйиб кул бўларди.

### Аскар юртини ҳимоя қилмагач...

Яна бир воқеа. Чорикор бутазорида бутун бошли ротанинг ярми қирилиб кетди. Бу жангни тасвирлай олмайман. Қиёмат. Ҳар бир дарахт, ҳар бир майса ўқ отиб қаршилик қилганди гўё. Биз – аскарлар қочиб чиқдик. Жангдан сўнг командир ҳаммамизни сафга тизди. Жангчиларнинг ярми йўқ. Шунда зобитнинг ўзи ҳам ичидаги оғриқни тўхтата олмади:

ПУБЛИЦИСТИКА

–Биз адашдик, йигитлар! Керак эмасди шу уруш! Ватанимиз олисда! Биз Ватан ҳимоячиси эмасмиз. Ҳеч бўлмаса ўзимизни ҳимоя қилайлик энди!..

1988 йилнинг 12 май куни Афғонистоннинг Чорикор ҳудудидаги жангдан сўнг ҳўнграб йиғлаётган лейтенантнинг аянчли аҳволи ва бизнинг шармандали ҳолатда бош эгиб туришимиз ҳануз хаёлимда чирпирак бўлиб айланади.

Давр бизни алдаган, замон эса ёлғон мафкуранинг жаҳаннам ўчоғига улоқтириб юборган эди. Аскар Ватанни ҳимоя қилмайдими, ўз халқининг тинчлиги учун қалқон бўлмайдими? Йўқ, биз эса аллақаерлардадир тентираб юрардик.

### Ўзга тупроқдаги ўкинч

Тағин бир манзара. Қаҳратон қиш. Совуқ. Шамол изиллайди. Изғирин. Панжшер тоғи билан туташиб кетган Али-Хили вилоятининг чекка қисмидаги тепаликда турибмиз. Атроф оппоқ қор. Осмоннинг энкайган қисмига туташган паст-баланд тепаликлар ҳам оппоқ қор оғушида қолган. Ана шундай пайтда энг олисдаги қорамтир доғ ҳам кўринади.

Икки ойдан бери шу тепаликдамиз. Кечалари отишма бўлади. Баъзида кундуз куни ҳам минамётдан сўкиб қолишади.

Пастда ертўламиз бор. Ягона бошпанамиз шу. Совуқдан ҳам, отишмадан ҳам шу ерда жон сақлаймиз. Саҳар паллада қий-чув, тўс-тўполон бошланди. Гумбурлаш ва автоматларнинг тариллаши, ўқларнинг чийиллаб учиши тонгги сукунатни тилкалаб юборди. Панжшер томондан бизга қарши мўр-малахдай ёпирилиб келаётганлар тепаликка яқинлашиб қолганди. Куршовга тушдик. Бош кўтариб бўлмайди, ўққа учасан.

Взвод пулемётчиси Проскуряков ўлди, Сасин портлаб кетди. Вицман ярадор бўлди. Иванников қўрққанидан ўзини портлатиб юборди. Ўшанда портлашлар тўлқинида ҳавога учган қип-қизил қор зарраларини, тепаликни қоплаган қорнинг ҳам ловиллаб ёнишини кўрганман. Куршовдан бир амаллаб қочиб чиқдик. Ярадорларни вертолётга юклаётганимизда прапоршик Довгий шундай деганди:

–Булар барибир сен билан мендан кўра бахтлироқдир. Ватанига қайтишмоқда. Ҳеч бўлмаганда, айримлари ўз юртида, киндик қони тўкилган ҳудудда жон таслим қилишади. Ҳар ҳолда ўзга тупроқда ҳалок бўлишмаяпти-ку...

–Қанийди ўз юртимда бўлиб қолсам... Ўзбекистон ҳудудини ҳимоя қилсам, ўз Ватанимда жоним узилса мингдан-минг рози эдим, - деди Баҳром кўзларига ёш олиб.

Ҳа, биз ўзга тупроқда ярадор бўлиб Ватанига қайтаётган аскарларга ҳам ҳавас қилардик...

### Озодлик сабоғи

Одатда истиқлол ҳақида сўз кетганда, жуда кўп эзгу тушунчаларни гапирамиз. Онгу тафаккуримиздаги эврилишлар, миллатнинг ор-номуси, қадр-қиммат, ўзлик, хуллас, барча инсоний фазилатлар улуғланганлигини айтамиз. Ҳа, шундай. Шакшубҳа йўқ бунга. Бироқ, яна бир юксак туйғу – Ватан ҳимояси, деган қараш ботинимизда тўлиқ, мукаммал тарзда шаклланганидир. Бугунги аскар энди кимнинг, ниманинг ҳимоячиси эканлигини, бурч, деган юксак фазилатнинг мазмун-моҳиятини дилдан ҳис қилади. Бугунги аскар ортида оиласи, ота-онаси, севикли ёри, муқаддас тупроқ, уни улғайтирган Ватан турганини ҳам англайди. Керак бўлса у конституциявий тузум, демократик ҳуқуқий давлатни турли хил ёвуз кучлардан ҳимоя қилаётганини ҳам, ўз халқи, келажаги, Президенти учун ҳар қандай душманнинг ҳамласига тайёр туриш лозимлигини ҳам тушуниб етган.

(Давоми 2-бетда)

ТАНЛОВ МЕЗОНИ:

## Ҳақиқат нури, адолат ёруғлиги

***Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 ноябрдаги "2006 йилда қишлоқ хўжалик корхоналари (ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Қашқадарё вилоятидаги 30 та ширкат хўжалиги фермер хўжаликларига айлантирилмоқда.***




Янги ташкил этилаётган фермер хўжаликларига 2760 та лойиҳа бўйича 105 минг гектардан ошиқ ер бўлиб берилиши мўлжалланган. Ҳозирга қадар талабгорлардан 7 мингдан ошиқ ариза қабул қилинди.

Хўш, эртага ер эгаси ким бўлади? Бу саволга даъвогарлар ерни ишлата оладиган ишбилармон, замин билан тиллашадиган ҳақиқий деҳқон, дея жавоб беришаяпти. Фермерликка муносиб ана шундай номзодларни саралаш комиссиялари аъзоларига масъулият юклайди. Бунда адашиш, ошна-оғайнигарчилик ҳоллари асло кечирилмайди. Шуни инобатга олиб, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида танлов жараёнларини кузатиб борадиган оқсоқоллар ва деҳқончиликда катта тажрибага эга бўлган вакиллардан иборат жамоатчилик Кенгашлари тузилди. Мақсад битта - деҳқончиликдан йироқ бўлган кимсалар соҳага кириб қолмасин. Яшириб нима қилдик, кейинги вақтда вилоятда ўнлаб мана шундай фермер хўжаликлари аниқланди.

Ҳукумат қарорларига асосан сўнгги беш йилда вилоятдаги 221 та ширкат хўжалигининг 153 таси фермер хўжаликларига айлантирилди. Натижада, ерга ва меҳнатга муносабат ўзгариб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам, даромад ҳам ошмоқда.

Масалан, ўтган йили фермер хўжаликларида пахта ҳосилдорлиги 2003 йилга нисбатан ҳар гектар ер ҳисобига 6,1 центнерга кўтарилди. Айниқса, Касби, Қарши, Қамаши, Яккабоғ ва Миришкор туманларида юқори натижалар қўлга киритилди. 2004 йилда фермер хўжаликларининг ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 34,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилда воҳада етиштирилган пахтанинг 85 фоизи фермерлар улуши эканлиги эътироф этилди.

(Давоми 2-бетда)

«Qishloq hayoti» газетасига



2006 йил учун обуна бўлдингизми?

Газетанинг нашр кўрсаткичи — 144

ЛАФЗ

## Шартлашдингми, сўзингда тур!

***Шубҳасиз, айни дамда фермерлар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида асосий кучга айланиб қолди.***

Бунинг муҳим омилларидан бири, албатта, истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан уларга тўла юридик мақом берилиб, мустақил фаолият юритишлари учун мустаҳкам ҳуқуқий базанинг яратилганидир. Аграр соҳада фермернинг ўз ўрни ва улуши борлигини, уларнинг иқтисодиётимизни ривожлантирувчи куч эканлигини вақтнинг ўзи кўрсатмоқда.

Биргина мисол. Ҳозирги кунга келиб фермернинг республика миқёсида ялпи ҳосилни етиштиришдаги ҳиссаси пахтачилик ва ғаллачиликда ўртача 70 фоиздан ошмоқда. Бу ҳам қишлоқ хўжалигида ушбу соҳанинг қанчалик салмоққа эга эканлигидан далолатдир.

Бир сўз билан айтганда, бугун фермерчиликка билдирилган ишонч ўз самарасини бермоқда. Фермерчилик шу соҳанинг этагидан астойдил тутган шахсни ҳақиқий ер эгасига айлантирди. Оқибатда ерга муносабат ўзгарди. Фермерларнинг мулки ўз қўлида. У қилаётган меҳнатидан манфаатдор. Бу манфаатдорлик эса ўз навбатида масъулият ҳиссини орттирди.

Бугун орамизда ерга меҳри, ўзининг меҳнати орқали танилаётган, мақтанса арзигулик муваффақиятларга эришаётган ҳамда мана шу меҳнат маҳсули эвазига фойда кўриб, элига нафи тегаётган фермерларимиз борлиги қувонарли ҳол.

(Давоми 2-бетда)

## Истеъмолчи ҳуқуқи дахлсиз

***- Ҳар бир истеъмолчи дўкондан кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилади. Албатта, сотиб олинган маҳсулот, аввало, экологик тоза, қолаверса, сифатли бўлиши лозим. Ана шундагина истеъмолчи ҳуқуқи поймол этилмайди, - дейди Навоий вилояти стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи Азим Жўраев.***

- Юқоридаги ҳолатларни инобатга олган ҳолда вилоятда товар ва хизматларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш шартларини шакллантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (хизматларнинг) экспортини кенгайтиришга кўмаклашиш, жаҳон бозорларида ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича аниқ ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, республика Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2005 йилларда маҳаллий хом ашё базасида буюм ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига қўшимчалар тўғрисида"ги Қарорини бажариш мақсадида локализация дастурига киритилган корхоналарда маҳсулотларнинг халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги ва сифати устидан мониторинглар ўтказилди.

НАЗОРАТ

Азим Жўраевнинг таъкидлашича, ниҳоясига етаётган йилнинг учинчи чорагида минтақадаги мавжуд корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари бўйича стандарт ва техник шартларга риоя қилиш жараёнлари назоратдан ўтказилган. Ушбу корхоналарнинг 17 тасида халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши маълум бўлган. 9 корхонада эса маҳсулотларни истеъмолга олиб чиқиш тақиқланди. Жумладан, уч турдаги маҳсулотларни муомалага чиқариш ман этилди.

(Давоми 2-бетда)

ВОҚЕА

## Халоскор

***Айтишларича, кўпгина жониворлар офат юз беришини олдиндан сезиб, мудҳиш оқибатлардан одамларни воқиф этган. Бу ҳақда кўплаб тарихий воқеалар ҳам мавжуд.***

Ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз, қуйидаги ҳаётий воқеа ҳам бунга бир мисолдир.

1998 йилнинг 8 август куни Яккабоғ туманининг тоғли ҳудудлари тепасида тўсатдан пайдо бўлган булутлар тўдаси кучли ёмғир ёғишидан дарак бериши саратонда ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаганди...

Маъдулла Нормуродов тоғда ўтлаётган йилқилардан хабар олгани келганида осмон тип-тиниқ, беғубор эди. Тушдан кейин Эшакмайдон тепалиги томонидан ёпирилиб келаётган улкан булутлар галасига кўзи тушгач, "Бу қора булутлар бир балони бошламаса-я", дея кўнглидан ўтказди. Жала қуймасдан олдин бу ерни тарк этмоқчи бўлиб, отига қамчи урди.

Ёз фаслининг иссиқ кунларидан бири. Одатдагидек қуёшнинг нури ён-атрофни обдон қиздирар, тоғ ён-бағридаги ям-яшил арчаларни демасак, ўт-ўланлар сарғайиб улгурганди.

Қашқадарёда июл-август ойлари олдинги йилларига нисбатан анча иссиқ келди. Шоҳимардон воқеасидан роппа-роса бир ой ўтиб, яъни

(Давоми 4-бетда)

BANK
ХАЛҚ БАНКИ
сизнинг оилангиз банки

| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | БЕНЗИН (76) 514,3 ▲ + 6,3 | БЕНЗИН (80) 534,9 ▲ + 2,7 | БЕНЗИН (91) 596,4 ▼ - 4,1 | ДИЗ.ТОПЛИВО 336,1 ▲ + 1,9 | МАЗУТ 83,3 ▲ + 4,4 | СЖ.ГАЗ 346,7 ▼ - 87,7 | МАСЛО ХЛОПК. 842,3 ▼ - 0,6 | САХАР 672,0 ▲ + 16,6 | МУКА выс.сорт 280,0 ▼ - 14,0 |

# Ризқ-рўзимиз манбаи

***Ер умумий бойлигимиз, халқимизнинг ҳаёти фаровонлигининг асосидир. Шу боис, 1998 йилнинг 30 апрелида "Ер кодекси" тасдиқланган ва бу Кодекс қишлоқ хўжалигида қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.***

***Ушбу қонун кучга киргач, ер ўз эгасини топа бошлади. Ризқ-рўзимиз, ҳаётимизнинг асосий манбаи бўлган ерга нисбатан муносабат кескин ўзгарди. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, ундан самарали фойдаланишга эътибор кучайтирилди.***

- Даставвал, шуни қониқиш ва фахр ҳисси билан тан олиб айтиш кераки, "Ер кодекси" ва қишлоқ хўжалигига оид бошқа қонун ҳужжатлари иш юритишимизда асосий манба бўлди, - дейди мухбиримиз билан суҳбатда Паст Дарғом тумани ҳокими, Олий Мажлис Сенатининг аъзоси Абдумўмин Жўраев. - Айниқса, "Ер кодекси" қонунидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда асосий ҳуқуқий ҳужжат сифатида қўлланилмоқда.

Ҳаётий сабоқлар шуни кўрсатдики, жамоа ва ширкат хўжаликлар шаклида фаолият юритилганда, кўпчиликда ерга эгалик ҳисси йўқолди. Яъни, одамлар ер – меники, деб эмас, ер ширкат хўжалигиники, деган кўникма билан ёндашди. Ана шундай пайтда "Ер кодекси" ҳақидаги Қонуннинг қабул қилиниши бундай салбий тушунчалардан қутулишнинг йўлини кўрсатиб берди.

*- Шу билан биргаликда, ер билан боғлиқ, муаммоли, мунозарали, муҳокама қилиниши лозим бўлган масалалар ҳаётимизда ҳанузгача учраб турибди...*

- Ҳақ гапни айтдингиз. Ўзбекистонимиз аграр-индустриал мамлакат бўлганлиги боис, ер бизнинг асосий бойлигимиз. Такрор бўлса-да айтамиз, ундан оқилона фойдаланиш ер муносабатларини тартибга солишда, бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди. Лекин бугунги кунда унинг баъзи боб ва моддаларига ўзгартириш киритиш лозим.

Эсингизда бўлса, бу кодекс қабул қилинганда кўпчилик замон барибир фермерники бўлади, деб башорат қилган эди. Шундай бўлди ҳам. Бугун фермер бўлганларнинг ва унда меҳнат қилаётганларнинг деярли барчаси хурсанд. Бир пайтлар бонитети энг паст ерлар фермерга берилган бўлса, эндиликда ширкатлар ёппасига фермерликка ўтяпти.

Аммо, ер участкаси масаласида низолар бор. Шу пайтгача фермер бўлиш иштиёқида бўлганларга ҳам, деҳқон хўжалик тузувчиларга ҳам, уй-жой қурувчиларга ҳам қонун асосида ер берилди ва берилаяпти. Ҳар бир нарсанинг чегараси бўлганидек, ер ҳам чексиз эмас. Айниқса, суғориладиган ер масаласида, уни уй-жой қуриш учун тақсимлаш ҳақида жиддий ўйлаб кўрадиган пайт келди, деб ҳисоблайман. Туманимиз мисолида оладиган бўлсак, қонуний асосда уй-жой қуриш учун ёки қўшимча томорқа қилиш учун ер сўраб мурожаат қилганларнинг талаби тўлиқ қондириб келинаяпти.

Иш шу ҳолатда кетаверса, ҳамма сувли ерларни тақсимлаб қўямиз-ку. Ҳозирнинг ўзида кўплаб ерлар шу асосда берилгач, пахта ва ғаллани аҳоли яшайдиган қишлоқлардан 25-30 километр узоқликдаги дашт ерларда етиштиришга мажбур бўлаяпмиз. Бу эса экинларни суғоришда, ҳосилни йиғиб-териб олишда жуда кўп ноқулай ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Пахта ва ғаллага насослар ёрдамида сув чиқаришда, агротехник тадбирларни ўтказишда, йиғим-терим даврида унда ишлайдиган одамларни ҳар куни 25-30 километрдан ташишга мажбур бўлаяпмиз.

Бу эса маҳсулотларни етиштиришда харажатнинг ошиб кетишига олиб келаяпти. Бундан ташқари, барчага маълумки, дашт ерлардаги деҳқончиликнинг ҳосилдорлиги суғориладиган ерларга нисбатан анча кам ва кўп меҳнат талаб қилади.

*- Шу борада аниқ таклифларингиз борми?*

- Айтмоқчиманки, қўшимча томорқа учун одамларга ер участкасини сувли ердан эмас, эндиликда асосан даштликдан берилса. Уларни ичимлик суви, табиий газ ва ҳоказолар билан таъминлаш йўлга қўйилса. Ер кодекси қонунига ўзгартиришлар киритилиб, ана шундай таклифларимиз ўз ифодасини топса, айни муддао бўларди. Чунки, аҳоли сони тўхтовсиз ўсаяпти. Шуни ҳисобга олиб, давлат томонидан уй-жой қуриш учун катта имкониятлар яратилаяпти. Уй-жой жамғарма банки ҳамда "Замин" банклари бирлаштирилиб, Ипотека банк ташкил этилгани ва бу банкдан уй-жой қурувчиларга кредитлар ажратилаётгани шу масалада олдинга қўйилган муҳим қадам бўлди.

Агар бу таклиф амалга ошса, суғориладиган ерлар сақлаб қолинади ва давлатимиз энг керакли зарур хом ашёларни керагича ишлаб чиқариш имкониятига ҳар доим эга бўлади.

*- Ер кодексининг айнан қайси моддаларига ўзгартириш киритиш керак, деб ҳисоблайсиз?*

- Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 31-моддаси 2-бандида «Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан, ундаги иморатларни бузиш, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади», деб кўрсатилган бўлиб, кўп ҳолатларда, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ўша жойга қурган уй-жойини сира-сира ўз ҳисобидан бузишмайди. Туман фуқаролик судида кўрилган шундай мазмундаги ишлар бу фикримизни исботлади. Шунинг учун ўз ҳисобидан, деган сўзнинг ўрнига ерни қайтариш, ноқонуний қурилган иморатни бузиб ташлаш мажбурий равишда амалга оширилади, деб қатъийроқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Негаки, баъзи одамлар мавжуд қонунга бўйсунмасдан келаяптилар. Туман фуқаролик суди ижрочилари ҳам ушбу қонунда, юқоридаги тарзда таъкидланганидек, "ўз ҳисобидан" буздира олмаяптилар. Шунингдек, бу қонуннинг 32-моддасида "Ер участкасининг планини ва тасвирини тузиш, жойнинг ўзида унинг чегараларини белгилаш ишлари ер тузиш хизмати органлари томонидан бажарилади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади", деган сўзлардан сўнг "ерни фуқарога умрбод фойдаланиш учун "ер участкаси тарихасида" ўлчаб берилганлигини тасдиқловчи махсус ер бериш ордерлари ташкил қилиниб, шу ордер асосида берилади", деган қўшимча қўшилса, фуқаролар ўртасидаги ер низоларига чек қўйилган бўлар эди.

**ҚОНУН ВА ИЖРО**

Бундан ташқари, қонуннинг 36-моддасига қўшимча киритилиб, туман ҳокимлиги қошидаги комиссия доимий назорат олиб борса, ва уч йил давомида ердан унумли фойдаланмасдан ташлаб қўйилса, ишларни назорат қилувчи алоҳида гуруҳ тузилса, ерларни талон-тарож қилиш, ундан унумсиз фойдаланиш ҳолатларига чек қўйилган бўлар эди.

Негаки, ҳовли-жойи бор бўлган кишилар керак бўлса-бўлмаса, ҳамма фарзандлари номига ер участкасини олиб, 8-10 йиллаб фойдаланмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйган ҳолатлар кузатилмоқда.

*–Туманда ер билан боғлиқ яна қандай муаммолар мавжуд?*

–Туманимизга уч йил бурун қўшилган собиқ Гўзалкент тумани ҳудудидаги Собир Раҳимов номли, "Ўрта Чимбой", "Кичик Чимбой"га қарашли ҳудудлардаги экин майдонлари денгиз сатҳидан анча юқорида жойлашганлигига қарамасдан, ариқ-зовурлар қазилмаслиги ва таъмирланмаслиги оқибатида захкаш ерларга айланиб қолган. Бундан ташқари Нуробод, Каттақўрғон туманлари ва Қашқадарё вилоятининг бир қисми экин майдонларини суғориш учун ҳамда Каттақўрғон сув омборига қуйиладиган сув бизнинг ҳудуддан ўтади. Туманга қарашли 67 километр дренажлар қазилган. Бетон ариқлар имконият даражасида таъмирланаяпти. Бироқ Қашқадарёга ўтувчи Янгианҳор канали ва Каттақўрғон туманига ўтувчи Янги Хончарбоғ магистралидаги бетон ариқлар бир неча йиллардан буён бузилиб қолганига қарамасдан таъмирланмаслиги оқибатида сувнинг бир қисми ер остига кетяпти. Оқибатда, сизот сувлари кўтарилиб, ҳудудимиздаги экин майдонлари яроқсиз ҳолга келиб қолаяпти. Ачинарлиси шундаки, айни пайтда туманда 2300 гектар ер захлаб кетиб, май ойи охирларигача экин экиш имконияти бўлмаяпти.

Шу ўринда бундай сув йўлларини таъмирлашга республика ҳукумати томонидан ҳар йили етарлича маблағ ажратилаётганини эътироф этмоқчиман. Лекин улар қаёққа кетаяпти, қандай ишлатилаяпти? Буниси бизга қоронғи. Мутасаддилар ана шу муаммони ҳал қилишда бизга амалий ёрдам беради, деган умиддамиз.

Яна бир муаммо. Сув насослари бюджет ҳисобидан ишлатилгани билан эскирганлиги боис меъёрдаги сувни чиқара олмаяпти. Масалан, тумандаги "Чимбой-1", "Чимбой-2" насос станцияларининг ҳар бирида учтадан агрегат бор. Шундан ҳар қайсида иккитадан агрегат узлуксиз ишлаши, биттадан агрегат захирада туриши керак. Чунки мабодо электр ўчиб ёнса, ишлаётган агрегатлар икки-уч соат совитилиб, бундай пайтда захирадаги агрегатлар қўшилиши керак. Афсуски, захирадаги агрегатларнинг носозлиги туфайли электр энергияси узилган пайтда икки-уч соатлаб экинларга сув чиқариш тўхтаб қолади. Саратон ёки асаднинг жазирамасида экин майдонига сувнинг кечикиши қандай оқибатларга олиб келиши деҳқонга ўз-ўзидан маълум.

Сув насосларидан фойдаланиш идораси ана шундай муаммоларнинг олдини олишга эътибор қаратмаяпти.

*– Туманда суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш учун қандай чора-тадбирлар белгиланди?*

– Ер билан тиллаша олмайдиган, унинг умрини бекорга ўтказадиган фермерлар фаолиятига қонун йўли билан чек қўйиляпти. Масалан, 2004 йил якуни билан ана шундай фермерларнинг еттитасидан вилоят адлия бошқармаси хулосасига таянган ҳолда, туман ҳокими қарори асосида ер қайтариб олинди ва илғор фермерларга қўшиб берилди.

Бу йил пахтачилик ва ғаллачилик билан шуғулланувчи 1050 нафар фермердан 1025 таси 20 октябргача барча соҳаларда режани бажаришди. Қолган 25 нафари ўзларига билдирилган ишончни оқлай олмай, қолоқлик ботқоғида қолишди. Улар ҳақида фермерлар уюшмаси туман вакиллигининг ҳамда вилоят адлия бошқармасининг хулосалари тайёрланиб, тугатиш чоралари кўрилмоқда. Бундан ташқари, келгуси йили паст рентабелли 11 та ширкат хўжалиги тугатилиб, тендер асосида фермер хўжаликларига айлантирилади.

Тумандаги 203 нафар чорвачилик билан шуғулланувчи фермерлар фаолияти таҳлил қилинганда, зоотехника қоидалари бўйича шартли қорамол бош сони камлиги, статистика бўлимига ҳисобот топширилмаслиги, ердан самарали фойдаланмаслиги оқибатида 154 нафар фермер вилоят адлия бошқармаси хулосаси асосида йўналишини ўзгартириши лозим, деб топилди.

Алоҳида эътироф этиш зарурки, туманда фермерлар учун етарлича шарт-шароитлар яратиляпти. Биргина шу йилнинг ўзида улар учун олти жойда нефт маҳсулотлари шохобчаси, саккиз жойда минерал ўғит омбори, ўнта мини-банк ташкил этилди. Келгусида фермерларга хизмат кўрсатувчи корхоналар сафи янада кўпаяди.

Хўллас, ерни севган, уни ардоқлаган асло кам бўлмайди.

**Суҳбатдош:**
**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**




Сизлар учун энг мақбул шартларда
Мўъжиза, Имконият, Орзу, Кафолат, Обод юрт
каби сақлаш муддатлари 6 ойдан бир ярим йилгача бўлган манфаатли омонат турларини таклиф этади!

**Омонатларни сақлаш муддатига мутаносиб равишда "Мўъжиза" омонатига йиллик 37 фоиз миқдорида, "Имконият" омонатига йиллик 37 фоиз, "Обод юрт" омонатига йиллик 36 фоиз, "Орзу" омонатига 35 фоиз, "Кафолат" омонатига эса йиллик 34 фоиз миқдорида даромад тўланади.**

Ушбу омонат турларига бўш пул маблағларингизни **2005 йилнинг 31-декабр**игача қўйишингиз мумкин!
Шошилинг, имкониятни қўлдан бой берманг!
**ЯНГИ ЙИЛ**га янги имконият, янги орзу, мўъжиза билан ўтинг.
"Пахта Банк"нинг исталган филиалига мурожаат қилинг, омонатингизни ишончли сақлашга ва кўпайишига кафолат берамиз!

Омонатга қўйилган маблағингизни Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш" фонди томонидан ҳам кафолатланганлигини унутманг.

"Пахта Банк" фаровонлигингиз калитидир!

## Харидорлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар диққатига!



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 391-сонли "Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва 2005 йил 26 ноябрдаги 04-5-64 "ХФУ" сонли баёнига биноан шу йил 15-17 декабр кунлари Тошкент шаҳар, Хўжаев кўчаси, 1-уйда жойлашган "Ўзбекистон" теннис клуби биносида "Озиқовқатсаноат", "Ёғмойтамакисаноат", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" холдинг компанияси, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзбексавдо", "Ўзбекбирлашув" акционерлик компаниялари ва хусусий тадбиркорлар томонидан 2006 йилда ишлаб чиқариладиган сут ва сут маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар, консервалар, қуруқ ва қайта ишланган мева-сабзавотлар ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига республика ҳудудида жойлашган барча истеъмолчилар билан шартномалар тузиш учун улгуржи-савдо ярмаркаси ўтказилади.**

Ярмаркага марҳамат!

*Ушбу ярмаркага барча халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи ҳамда савдо корхоналари, ташкилотлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорлар таклиф этилади.*

"Ўзбексавдо" акциядорлик компанияси

Телефонлар: 139-46-97, 139-48-26, 139-49-00, 139-43-66

